

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ФОНД БОЗОРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Акмал Валижонов

*Хусусийлаштириш ва давлат активларини
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази
бўлим мудири, и.ф.н.*

Хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тадбиркорликнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, улар иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: "...Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин..."³⁸[1].

Хўжалик жамиятларининг ривожланиши жамиятда акциядор ва улушдор шаклидаги мулкдорларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Хўжалик жамиятларини, жумладан акциядорлик жамиятларини шакллантириш давлат мулкани ва корхоналарини хусусийлаштириш жараёнлари натижасида бошланган. Мустақиллик йилларида давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги йирик акциядорлик жамиятларида давлат улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ушбу йирик акциядорлик жамиятларида давлат иштирокини қисқартириш хусусийлаштиришнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини хусусийлаштириш натижасида аҳоли орасида акциядор ва улушдор шаклидаги мулкдорлар шаклланиб боради. Аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштиришга жалб қилишнинг усулларида бири бу давлатга тегишли акцияларни IPO (Initial Public Offering) ўтказиш орқали хусусийлаштириш ҳисобланади.

"Ўзбекистон — 2030» Стратегиясининг 49-бандида 40 та давлат иштирокидаги корхоналар акцияларини «Халқ IPO»сига чиқариш, аҳолини IPOда қатнашишини рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш назарда тутилган³⁹. Демак, 2030 йилга қадар 40 та давлат иштирокидаги корхоналарда «Халқ IPO»сини ўтказиш керак. Ушбу вазифани ҳал этиш учун биринчи навбатда 40 та корхонанинг рўйхатини шакллантириш керак. Бу корхоналарни танлаб олиш учун уларни IPO ўтказишга тайёрлигини таҳлил қилиш лозим. Шунинг учун корхонани IPO ўтказишга тайёрлигини

³⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

³⁹ <https://lex.uz/ru/docs/6600413#6605155>

диагностика қилиш тартиби тўғрисида Низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятига молиявий мабағларни фонд бозори орқали жалб қилишнинг икки усули мавжуд бўлиб, булар қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш ҳамда корпоратив облигацияларни муомалага чиқаришдан иборат. Аҳоли орасида акциядорлар шаклидаги мулкдорларни кўпайтириш мақсадида давлат улуши мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятларида ҳам IPO ўтказилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Хўжалик жамиятларига молиявий мабағларни нафақат ички бозордан, балки халқаро фонд бозорларидан ҳам жалб қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига мувофиқ халқаро фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати тасдиқланган.

Шунга кўра давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг акцияларини халқаро фонд бозорида жойлаштириш бўйича қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

хорижий фонд бозорларида чет эл давлати эмитентларини қимматли қоғозларини жойлаштиришга қўйилган талабларни, шу жумладан чет эл давлатлари қонунчилигида белгиланган талабларни ўрганиш. Масалан, Россия Федерациясининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунининг 51.1-моддасида чет эл эмитентларининг қимматли қоғозларини Россия Федерациясида муомалага киритиш бўйича талаблар қўйилган;

фонд бозорига қимматли қоғозлар чиқарилиши режалаштирилаётган чет эл давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида қимматли қоғозлар бозори тўғрисида келишувларни тузиш;

акциялари халқаро фонд бозорида жойлаштириладиган давлат иштирокидаги корхоналарни ушбу бозорларда чет эл давлати эмитентларини қимматли қоғозларини жойлаштиришга қўйилган талаблар ва шартларга мослаштириш ишларини амалга ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналар қимматли қоғозларини хорижий фонд бозорларида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон - 2030 Стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сон.